



2-бет




3-бет



4-5 бетлар

6-бет



# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 191 (9.994)

2003 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, экспорт-импорт операциялари амалга оширилиши устидан маъмурий назорат усулларини қисқартириш ҳамда ташқи савдони тартибга солиш механизмини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 октябидан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида олдидан рўйхатга олиш бекор қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги импорт контрактлари Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида экспертиза қилинади:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган;  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг қаролати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молияланадиган;

устав сармоюсидаги давлат улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган ва ўзининг валюта маблағлари билан таъминланмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган контрактлар.

2. 2003 йилнинг 1 октябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда импорт контрактларининг боғжона мониторингини тизими жорий этилсин. Бундай тизим уларни ҳисобга олиш, импорт қилинадиган товарларни боғжона орқали баҳолаш бўйича чора-тадбирлар комплексини, шунингдек ваколатли органларнинг ахборот айирбошлаш борасидаги ҳамкорлигини кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Давлат боғжона кўмитаси импорт контрактларининг боғжона мониторингини ўтказишни таъминлайдиган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 18 февралдаги Фармонининг 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 26 сентябрь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида

Суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш, улар билан тарбиявий ишларни такомиллаштириш, бу ишда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида, инсонпарварлик тамойлига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

қ а р о р қ и л а м а н :

1. Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар 2004 йилнинг 1 февралига қадар бўлган муддатда қолган жазо муддатини ўташ учун ўтказилсинлар:

унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар — умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига; ўта оғир жиноят содир этганлар — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга.

Давоми 2-бетда.



Тадбиркорлик билан иш юритиб, ички бозорни сифатли аёллар ва эркеклар, болалар кийим-кечаклари билан таъминлашга интилаётган «Мухиба» хусусий фирмаси жамоаси чеварлари буюртмаларни тез ва соз бажаришмоқда.

СУРАТДА: фирма раҳбари, тадбиркор аёл Муршида Асадуллаева (ўртада) ва чеварлар Нодира Ашурова ҳамда Муножот Хўжаевалар.

### ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2003



## Ўзбекистон — катта теннис мамлақати

КЕЧА ўтган ҳафта мобайнида қизиқарли ва мурасасиз беллашувлари билан кўпчилик теннис ихлосмандларининг диққат-эътиборини тортган Осий чемпионатининг финал ўйинлари бўлиб ўтиб, турнир фолиблари аниқланди.



Даставвал шунга таъкидлаш жоизки, 2003 йилги китъа чемпионатининг финал, шунингдек ярим финал ўйинлари фақат хал қилувчи босқич сифатида аҳамият касб этиб қолмай, балки ушбу жараянни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро теннис федерацияси президенти Франческо Ричи Битти диққат билан кузатгани ҳам муҳим воқеа бўлди.

Финал учрашувларида биринчи бўлиб марказий қортга аёллар тушди. Бир кун илгари ҳамюртларимиз Оккул Омонмуродова ва Ивана Исроиловалар жуфтликдан финал ўйинида маглуб бўлган тайпейлик Чунанг ва Чан галдаги яқка ўйинида Осий чемпионатининг шохсупасига даъвогар сифатида бир-бирига қарши беллашишди.

Айтиб ўтиш жоиз, ўз ватанида Чунанг ҳам, Чан ҳам энг кучли катта ракетка усталари

ҳисобланади. WTA таснифида 316-ўринни эгаллаб турган Чунанг турнирда индонезиялик Пракуса ва таиландлик Тонгсалидан кейин учинчи бўлиб сараланган бўлса, Чаннинг бу борадаги кўрсаткичлари ўз ҳамюртиникидан деярли қолишмайди. Саккизинчи рақам билан сараланган Чаннинг Аёллар теннис асоциацияси таснифидаги рейтинг рақами Чунангникидан унча фарқ қилмайди. Шу босидан иккала тайпейлик теннисчининг кучи ҳам қортда деярли тенг эди десак адашмаймиз. Лекин ўйинда кимдир қолиб чиқиши керак, албатта. Чунанг икки сет давом этган беллашувда бор маҳоратини ишга солиб, ўйини 6/4 ва 6/4 натижалари билан ўз фойдасига ҳал этди ва Осий чемпионати қолибига айланди.

Давоми 2-бетда.

### XXI саҳоси

Барча маълумотлар  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Борис Алёшинни қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида икки кун давомида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Герби ва Мадҳияси тўғрисидаги қонунлар Қашқадарё вилоятида қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди.

• Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари бошланди. Ушбу маданий тадбир доирасида республика Киночилар уйида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзбекино» Давлат акциядорлик компанияси ташиқотчилигида япон фильмлари фестивали очилди.

• Чирчиқ шаҳрида республика Байналмилал маданият маркази ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

• Ироқда жиноятчиликнинг авж олиши ва қонунга итоат этмаслик ҳаракатларининг ўсиб бориши муносабати билан АКШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Ироқда ўлим жазосини қайта тиклаш масаласини муҳокама этишга ҳозирлик кўрмоқда.

• ВВС маълумотига кўра, ОПЕС ташкилоти нефть қазиб олишга қватани қисқартирганлиги ҳақида маълумот тарқатгач жаҳон бозорида «Қора олтин»нинг нархи дарҳол кўтарилиб кетди.

• АКШ Конгресси Сурияга қарши сиёсий ва иқтисодий санкцияларни киритишга имкон берувчи қонунни муҳокама қилди.

• Лондонда поездлар соати-га 300 километргача тезликда ҳаракатланиши мумкин бўлган тезюрар магистралнинг янги участкаси тантанали равишда очилди. Бу Буюк Британияни Европа китъаси билан боғловчи йўналишининг бир қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

**Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида**

Давоми. Боши 1-бетда.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) икки ойлик муддатда ушбу масалада барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва Бош прокуратура (Р.Қодиров) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 1-банди ижросини таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин.

3. Бош прокуратура (Р.Қодиров) Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) билан биргаликда, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақидаги

таклифларни бир ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсинлар.

4. Мазкур Фармон ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 25 сентябрь

**«Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا**

**ШАРҲ**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар содир этган шахслар умумий тартибли, ўта оғир жиноятлар содир этганлар эса, муқаддам судланганларга тенглаштирилган ҳолда, қаттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини ўтамоқдалар.

Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланганларни нисбатан чегараланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга сақлаш, кўпинча, уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланишига жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар одатда, уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир кўрсата оладиган, нисбатан мустақамроқ оилавий ва бошқа фойдалош имжойи алоқаларга эга бўладилар. Аммо, қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўтаётган улар, амалдаги қонунчиликка биноан, умумий тартибли колонияларда жазо ўтаётганларга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бирмунча кам мулоқотда бўлиш (учрашув, посылка, йўқлов олиш, телефон орқали сўзлашиш) ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, биринчи марта судланганларнинг узоқ муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча марта таъба жазо ўтаган шахслар билан бирга бўлишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг бўлиши, уларда келгусида жамият учун зарарли дунёқараш ривожланишига шарт-шароит яратди.

Баён этилганлар инobatта олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислохотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса - умумий тартибли колонияларда ўташлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкорликда, бир ойлик муддатда, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топширик берилди.

Бир вақтнинг ўзига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, жиноят содир этган шахсларга судлар томонидан тайинланган жазоларни камайтириш ёки бо-

шқа тарзда энгиллаштириш бўйича Конституцияда кўзда тутилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳозирда жазо ўтаётган, биринчи марта судланган шахслардан унча оғир бўлмаган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилганларни умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига, ўта оғир жиноятлар учун эса - қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга қўқазилди.


Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгайди.

Юқорида қайд этилган шахсларни энгилроқ тартибли колонияларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2003



**Ўзбекистон — катта теннис мамлакати**



Давоми. Боши 1-бетда.

Эркалар учрашувининг ҳал қилувчи дақиқалари мurosасис курашларга бой тарзда кечган бўлса ҳам, унча узоқ давом этмади. Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Вадим Куценко учун Осиё чемпионати ҳақиқий синов вазифасини ўтади. Ҳамюртимиз ярим финалда турнирнинг иккинчи рақамли ракеткаси ҳамда чемпионатда иштирок этаётган теннисчилар ўртасида АТРдаги рейтингинг энг юқори бўлган тайпейлик Юи-Тзу Уангни кутилмаганда икки сетда осонликча ютиб олганди. Бироқ финалда Қозоғистоннинг энг кучли теннисчиси Алексей Кедрюкка қарши кортга тушиши Вадимни бироз хавотирга солаётгандай туюлди. «Кучлари тенг теннисчиларнинг баҳслашуви энг узоқ давом этади», — деганди ҳаяжон билан Вадим Куценко ярим финал ўйинларидан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида. «Катта дубулга» турнирига йўлланма олиш учун кураш иккала рақиб учун ҳақиқатан ҳам қийин кечди. Турнирда олтинчи рақам билан сараланган Алексей биринчи сетдаёқ ўйинни бой бераётганини сезиб, бор имкониятларидан фойдаланиш пайига тушди, аммо қозоғистонлик теннисчининг сўнги дамларгача асабийлашгани боис унинг ўз хатти-ҳаракатларини жамлай олмагани томошабинларга ҳам аққол сезилди. Натижада 7/6, 6/2 ҳисобида рақибини енгган ҳамюртимиз Вадим Куценко 2003 йилги Осиё чемпиони унвоинга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг тантанали ёпилиши маросимида иштирок этиб, сўзга чиққан Халқаро теннис федерацияси президенти Франческо Ричи Битти ҳамюртимизни галаба билан кутлар экан, мамлакатимизнинг спортда, хусусан теннисдаги салоҳияти юксалиб бораётганининг сабаби авваламбор бу муҳим ижтимоий соҳага давлат томонидан эътибор қаратилиши ва шахсан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши эвазигадир дея юртимизнинг катта теннис мамлакати эканлигини эътироф этди. Шунингдек тантанали маросимда «Australia open» турнири вакили Ричи Жон Жии голибларга йўлланма топшириб, Тошкентда иккинчи марта таъба бўлиб ўтган чемпионат Осиёнинг «Катта дубулга» номидаги турнирига ҳақли равишда лойиқ деган фикрни билдирди.

Шундай қилиб, 2003 йилги Осиё чемпионати ҳам поёнига етди. Теннис ихлосмандларининг умиди ва ишончини оқлаган ҳамюртларимиз Вадим Куценко, Иванна Исроилова ва Оқул Омонмуродова Ватанимиз шарафини яна бир муносиб химоя қилишга мушарраф бўлишди.

... Тошкент теннис маркази кортлари сукунатга чўмди. Лекин бу унчалик узоқ чўзилмайди. Яна бир ҳафтадан сўнг бу ерда аёллар ўртасидаги аънавий «Tashkent open» турнирига старт берилади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА. СУРАТЛАРДА: голиблар тақдирлаш маросими ва финал ўйинларидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.**



**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кунга*  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
*сатрларда*

● **БУГУН** Тошкент давлат юридик институтида Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этган конференцияси «Ўзбекистон Республикасида Адвокатурани такомиллаштириш муаммолари» деб номланди.

● **БУГУН** Халқаро бизнес марказида Ислол тараққиёт банкнинг уюштирган конференцияси банк соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида «Катта шаҳарнинг оловлари» номли Ўзбекистон дизайнерларининг кузги-киши либослари кўргазмасининг намоиши бўлиб ўтди.


● **БУГУН** «Замондош» маданият уйида Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами муносабати билан «Аср замондоши» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 153-мактабда педагог-тарбиячилар ҳамда «Камолот» ЁИХнинг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Йўл ҳаракати қойдаларига риоя қилиш — барчамизнинг вазифамиз» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза қурилиш касбхунари коллежида бўлиб ўтган

«Ёшлар ва шарқ маънавияти» мавзусидаги тадбир мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Ҳамза туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Замонавий санъат марказида «Ўзбекистон — севги изохори» мавзусида уюштирилаётган фото-танловнинг очилишига бағишлаб матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «HEWLETT PACKARD» компанияси, Тошкент фоточилар уйи, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ва Тошкент Халқаро бизнес маркази ҳамда маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этишди.



## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Минскдаги вакили сайловларга бир йил қолганда, Беларусь сайлов кодексига ўзгаришлар киритишни таклиф қилди. Ташкилот матбуот котиби Хайди Смит сўзларига қараганда, сайловларни ҳаққоний ўтди деб ҳисоблаш учун, бир қатор шартларни, яъни кузатувчилар ҳуқуқини ва муддатидан олдин ўтказилган сайловлар ошқоралигини таъминлаш керак.

● Латвия кейинги йил май ойидан расмий равишда Европа Иттифоқи (ЕИ) таркибига киридади. Аҳоли фикрини билиш мақсадида ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра, аҳолининг аксарият қисми ЕИга қўшилишга розилик билдирган, деб хабар беради НТВ телекомпанияси. Латвия ЕИга номзод бўлган давлатларнинг энг сўнггиси эди. Айрим социологлар аҳолининг катта қисми Европа Иттифоқига қўшилишга салбий муносабатда, сўров натижаларининг салбий бўлишини айтишган эди, лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Латвия аҳолисида ҳозирдан «Янги замон» бошлангичига умид уйғонган.

● АҚШ ҳукумати Грузияга ажратилаётган молиявий ёрдам миқдорини камайтирмоқчи. Бунга сабаб, Тбилиси маъмурияти мамлакатда авж олган коррупцияга қарши кураша олмаётганидир. Молиявий ёрдам дастурининг координатори Томас Адамс сўзларига қараганда, Грузия АҚШ томонидан қўйилган шартларни бажармаяпти.

● Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг бир гуруҳ учувчилари Фаластин мухторияти ҳудудига ўт очишдан бош тортидилар ва ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони номига хат ёзиб, ўз норозиликларини билдиришди. Учувчилар томонидан ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони номига ёзилган хат Исроил матбуотида чоп этилди. Исроил телевидениесининг иккинчи канали шарҳловчисининг таъкидлашича, учувчилар тинч аҳолининг ҳам жабр тортишига сабаб бўладиган ҳаво кучлари уюштиришдан бош тортмоқдалар.

● Қачонлардир Европа авиакомпаниясининг фахри бўлган «Конкорд» ҳозирда ўзига бўлган ишончнинг йўқотган, деб хабар беради НТВ телекомпанияси. Душанба куни Нью-Йорк—Лондон йўналиши билан учаётган самолёт Буюк Британиянинг Кардиф аэропортига қўнишга мажбур бўлган. Самолёт Атлантика океани устидан учиб ўтаётганда двигателларидан бирида носозлик юзга келган ва кўп ёнилги сарфлай бошлаганили оқибатида фавуқлодда қўнишга мажбур бўлган. Самолёт бортида бўлган 105 йўловчидан ҳеч бири жароҳатланмаган ва улар Лондонга автобусда етиб келишган. Ушбу «омдасиз» парвозда иштирок этган йўловчиларнинг кўпчилиги энди «Конкорд»да учмаслигини айтишган.

Ана шу институт томонидан Қозғоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда амалга оширилаётган «Марказий Осиёда маҳаллий бошқаруви ривожлантириш» лойиҳаси АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молияланади. Республикада ушбу лойиҳа уй-жой мулкдорлари ширкатлари гоёсини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, уларда умумий мулкни бошқариш уй-жой мулкдорларининг самарали назорати остида демократик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Кунни кеча юқоридаги лойиҳа асосида Урбан институти (Тошкент) томонидан ўтказилган 2 та танловга яқун ясалди. «2003 йилда Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсидаги энг яхши фаолият кўрсатган уй-жой мулкдорлари ширкати» ҳамда «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг энг яхши ёритилиши» мавзусида ўтган танловда 11 та уй-жой мулкдорлари ширкати раислари кўлада 35 нафар журналист иштирок этди.

Шаҳримиздаги «Пойтахт» меҳмонхонасида бўлиб ўтган танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги ва республика тур-

## • ҲАМКОРЛИК

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

1968 йилда Вашингтонда нотижорат ташкилоти сифатида асос солинган Урбан институти (шаҳар институти) шаҳар сийбати соҳасидаги тадқиқотларга ихтисослашган бўлиб, бошқарув масалаларига оид ижтимоий, иқтисодий муаммолар ва бошқа масалаларни ўрганиш билан шугулланади. Ҳозирги кунда ушбу институт 20 дан зиёд мамлакатда халқаро ва давлат ташкилотлари томонидан молияланадиган турли лойиҳаларда иштирок этмоқда.

ли идораларининг вакиллари иштирок этишди. Шуниси қувонарлики, танлов якунига кўра, шаҳримизнинг Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Файзлик» уй-жой мулкдорлари ширкати ғолибликни кўлга киритиб, 1-ўрин олишга муваффақ бўлди. Ушбу ширкат танлов ғолиблари— Ўзбекистон оқик жамияти кўмак жамғармаси институти ва Урбан институти томонидан ажратилган умумий қиймати 50 минг АҚШ долларилек ютук жамғармасининг 10 минг АҚШ долларилек грантини кўлга киритди.

— Ушбу маблағни бошқарув аъзолари ва хонадон эгалари

билан келишган ҳолда уй-жойининг ҳолатини янада яхшилашга, йўлақларни таъмирдан чиқаришга, турар жой ташкили кўринишини безашга сарфлаш ниятидами,— дейди ширкат бошқаруви раиси Нина Тоғай.— Албатта, бундан кейин ҳам «Энг яхши ширкат» номини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган ширкатлар 2, 3, 4-ўрин соҳиби бўлишди. Уларга ва иш бошлаганига эндигина 3 ой бўлган Наманган шаҳридаги энг ёш ширкатга ҳам 10 минг АҚШ долларидан грант ажратилди.

Ширкатларнинг фаолияти, му-

аммолари ва уларнинг ечимини топиш йўлларини, тажрибаларини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг муҳим ҳиссаси бор. Шу боисдан ҳам республика газеталари ва радио телевидение журналистлари ўртасида ширкатлар фаолиятини ёритиш бўйича ўтказилган танлов якунлари ҳам эълон қилинди. Иккита йўналиш бўйича ўтказилган танловда ҳамкасбларимиз Ирина Гребенко («Налоговые таможенные и вести») ва Наталья Бушueva (радио «Грант») 1-ўрин эгалари деб топилди. Ғолиблар ва барча совриндорларга дипломлар ва қўimmatбахо совғалар топширилди.

— Бундай танловларни келгусида ҳам давом эттирамиз,— дейди лойиҳа раҳбари Ирина Генцлар.— Лойиҳамизнинг мақсади фуқаролар ва ташкилотлар демократик маданияти даражасини ошириш, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш, шаҳар бошқаруви жараёнларининг самарадорлиги, масъуллиги ва ошқоралигини кучайтиришдир. Уни амалга оширишда бизга ўтказилаётган семинар ва мана шундай танловларимиз катта ёрдам беради.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникасида юқумли касалликларни аниқлаш ва даволаш борасида замонавий шифо усуллари қўлланилмоқда. Мазкур даргоҳ юқори маънада мутахассислар тайёрлаш билан бирга, юқумли касалликларга қарши курашадиган республика услубий маркази ҳам ҳисобланади.



## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ШИФОКОР ЁРАЛИҒИ

Айни пайтда клиникада тўққиз бўлим ишлаб турибди. Бу ерда сурункали гепатит, болалар вирус гепатити, ўткир ошқозон-ичак инфекциялари, бруцеллез, гижжа, безгак, ичтерлама ҳамда юқумли касалликларнинг бошқа турлари билан касалланган беморлар даволанмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ичтерлама, бруцеллез, вирусли гепатит, ошқозон-ичак касалликларини аниқлаш учун илгари чет элдан олиб келинган ташхис препаратлари бугунги кунда клиниканинг ўзида тайёрланмоқда.

— Тиббийёт соҳасида қанча билсанг — кам, — дейди институт директори, профессор Муборак опа Аҳмедова. — Негаки, бир кун изланишдан тўхтаган шифокор эртанинг мураккаб саволлари олдида жавоб тополмай, ичкилини қолади. Замонавий тиббийёт ривожлангани сайин, касаллик тури ва даволаш усуллари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу борада институтда тинимсиз изланишлар, тадқиқотлар олиб бориламоқда.

Клиниканинг ихтисослашган илмий кенгашида номзодлик ва докторлик илмий даражалари ҳимоя қилинади. Шифохонада йигирма етти фан номзоди, саккиз фан доктори ва йигирмадан зиёд илмий ходимлар меҳнат қилади.

Хорижий илмий марказлар билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Америка фуқароларини парвозда иштирок этган йўловчиларнинг кўпчилиги энди «Конкорд»да учмаслигини айтишган.



лар назарияси маркази, «Iqnavo Products» компанияси, Россия марказий эпидемиология институти, Шимолий Аризона университети шулар жумласидандир. Илмий изланишлар салоҳиятини янада оширишда хорижий ҳамкасблар тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Вабо, куйдирги, қора оқсоқ каби хавфли касалликларни чуқур тадқиқ қилиш жажон тиббийёти олдидаги муҳим вазифалардандир. Бу борада олимларимиз самарали илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Хитойдан келтирилган «Numareader single» ускунаси қон таркибидagi вирусларни аниқлашда кўл келаятган бўлса, Японияда ишлаб чиқарилган махсус мослама — ультратовуш ташхис ва сунъий нафас олдиришда яхши самара бермоқда, — дейди Сурункали вирусли ге-

патит бўлими мудри, олий тоифали шифокор Уктам Мўминов. — Интернет орқали тиббийёт оламининг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлялгимиз.

Институт шифохонаси икки юз ўринга мўлжалланган. Ўтган йили бу ерда беш минг 431 нафар бемор шифо топди. Уларнинг бир минг 531 нафари республикамизнинг турли вилоятларидан келиб даволанган.

Жиззахлик бемор Одил ака Норматовнинг гапларига қараганда, даволанаётганларнинг ҳаммаси зарур дори-дармон ва иссиқ овқат билан бепул таъминланган.

Кейинги йилларда шифохонада мавжуд бўлим ва лабораториялар қайта таъмирланди. Институт атрофи ободонлаштирилиб, кўркам қиёфага келтирилди. Беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва аниқ ташхис қўйиш мақсадида, Хитой билан имзоланган шартномага асосан, икки юз эллик минг АҚШ долларига замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилди.

Ҳукуватимиз эл соғлигини сақлашга жиддий эътибор қаратаётгани ана шу тиббийёт муассасаси мисолида яққол кўзга ташланади.

**Холмурод САЛИМОВ**  
ЎЗА муҳбири.  
**СУРАТЛАРДА: муолажа пайтида; лаборант Сожида Ибрагимова. Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар.**

## БОШ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Унинг ишида ташкилотга аъзо давлатлар - Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия Федерацияси ва Хитой бош вазирлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Дўстона, ҳамжиҳатлик ва ишчанлик руҳида ўтган учрашувда ҳукумат раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти механизмларини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар ҳамда бу борада яқдил фикр билдирдилар.

Йигилиш якунига кўра ШХТ давлат раҳбарларининг кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури тўғрисидаги Кенгаш қарори, ШХТ 2004 йилги бюджети тўғрисидаги Кенгаш қарори, ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органларига штатда бўлган ходимларнинг молиявий таъминоти, кафолатлари ва компенсацияларига доир низом тўғрисидаги Кенгаш қарори, ШХТнинг террорчиликка қарши минтақавий ижроия комитетининг тузилмаси ва штат жадвали тўғрисидаги Кенгаш қарори имзоланди.

Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгаши якунига кўра Қўшма Баёнот қабул қилишди.

ШХТ доирасида кўпжабхали ва кўпбосқичли учрашувлар механизми яратилди ҳамда шунга мувофиқ ҳуқуқий асос барпо этилди.

ШХТнинг икки доимий фаолият юритувчи органлари — Пекиндаги котибият ва Тошкентдаги террорчиликка қарши минтақавий тузилманинг тўлақонли иш бошлаши мазкур ташкилот учун муҳим аҳамият касб этади.

**Ғайрат ШУКУРОВ**  
«Жаҳон» АА муҳбири.

Саховат кўрсатиш — халқимизга хос қадимий фазилат, олий қадрият. Меҳнат аҳлининг маънафини химоя қилиш, муҳтож кишиларга меҳр-мурувват, ёрдам кўрсатиш касба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб, бундай хайрли ишлар яхши анъанага айланган. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига дарслик ҳамда ўқув қуролларини ҳада этиш касба уюшмаларининг ибратли ишларидан бўлиб, бу борада кўпгина тармоқлардаги касба уюшмалари шаҳар кўмиталарида муайян ишлар баҳоли-қудрат амалга оширилмоқда.

Кейинги пайтларда мактаблар, болалар боғчалари, ногирон болаларни реабилитация қилиш марказлари, мактаб-интернат ва меҳрибонлик уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда. Жумладан, автотранспорт ва йўл ҳужа-лиги ҳодимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитасига қарашли корхона ва ташкилотларда бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари харид қилинди. «8-автобус саройи» ОАЖ 50 нафарга яқин муҳтож бўлган ишчиларга 10 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари мактабларга оталик ёрдами ҳам берилмоқда. Хусусан, 12-автобус саройи ОАЖ 13, 33-сон ўрта мактабларга ҳомийлик кўмаги берди. 18-автобус саройи ОАЖ каби корхоналарда ишчиларга беш минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

Бундан ташқари 10 та ўрта мактаб, меҳрибонлик уйларида тўрт миллион 700 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами амалга оширилди. «Сувсоз» давлат унитар корхонасида биринчи синфга ўқишга борадиган болалар учун икки миллион 900 минг сўм миқдоридаги маблағ сарфланган. «Тошсисцикленерго» АЖ 1 ва 2-мурувват уйлари ташмирлаш учун 150 минг сўмдан маблағ ажратди. «Ўзгазқурилиш» трести оталикдаги 135-ўрта мактабда капитал таъмирлаш ишларини амалга оширди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси тасарруфидоги ташкилот ва муассасаларда ҳам аҳолининг

**ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА АМАЛДА**  
**МЕҲР-МУРУВВАТ —**  
**ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

ижтимоий химояга муҳтож бўлган қатламларини қўллаб-қувватлашга аҳамият берилиб, дарслик ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш учун

3 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Жумладан, «Тоштитбтехника» маъмурияти ҳомийлар ёрдамида касба уюшма кўмитаси билан биргаликда 13 нафар болага 100 минг сўмлик мактаб кийим-кечақларини тақдим этди. Мирзо Улугбек тумани ҳудудий тиббиёт бўлими ходимларининг фарзандлари учун ўқув қуролларини сотиб олишга 50 минг сўм сарфлади.

Юнусобод туманидаги шаҳар болалар касалхонаси маъмурияти касба уюшма кўмитаси ахтиёжманд ходимларига фарзандлари учун 150 минг сўмлик ўқув қуроллари топширди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси тасарруфидоги меҳнат жамоаларида ишлаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун 7 миллион сўмлик ўқув қуроллари сотиб олиниб уларга топширилди. Жумладан, ходимларнинг фарзандлари учун ғамхўрлик кўрсатиб, шаҳар Давлат солиқ бошқармаси 69 нафар болага, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки 120 нафар болага, «Пахтабанк» республика акциядорлик-тижорат банки 32 нафар болага ўқув қуролларини харид қилиб тақдим этди.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси касба уюшма тасарруфидоги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг фарзандларини дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 560 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. «Файз-Карьер» МЧЖ, «Керамзитбетон» АЖ, «Норуда» АЖ томонидан кам таъминланган ва кўп болали оилаларга мактаб ёшидаги фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш учун 10 минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

Кичик, ўрта катта, малубот кооперацияси савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшмаси шаҳар кенгашига қарашли корхона ва ташкилотларда ҳам бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилди, аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож бўлган қатламларини ва кўп болали оилаларга фарзандлари учун ўқув қуролларини харид қилишга 330 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Маданият ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси тасарруфидоги корхоналар ва ташкилотларда муҳтож ходимларга фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуролларини сотиб олишларига икки миллион 980 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳр-мурувват — олий қадрият бўлиб, бундай савобли иш қилиш ҳаммининг, ҳар кимнинг вазифасига айлиб бораётганлиги қувонарлидир.

Улугбек ПЎЛАТОВ

**• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ**  
**АНЪАНАВИЙ**  
**БАЙРАМ САЙЛИ**

Меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий дам олишини ташкил этиш касба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада қатор тармоқ касба уюшмалари шаҳар кўмиталарида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитасининг маъмуриятидаги фаолияти таҳсинга лойиқдир. Гўзал пойтахтимиздаги файзли маданият ва истироҳат боғларида тармоқ меҳнатқиларига ҳамда уларнинг фарзандлари ва ўқув юртлари талабалари иштирокида кўпгина саналарга бағиш-лаб ўтказилаётган анъанавий маданий спорт тадбирлари миллий қадриятларимизга бой, барчага манзур бўлган халқ сайилларига айланган.

Яқинда Фафур Гулом номида маданият ва истироҳат боғида агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси томонидан Мураккилланимизнинг 12 йиллиги ва ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИГА бағиш-лаб тармоқ корхоналари меҳнатқилари ва ўқув юртларининг фаол иштирокида кизикarli ва мазмунли байрам маданий спорт дастури тақдим этилди. Давлатимизнинг улугвор, дилга яқин мадҳияси боғ узари янграб, кишига фахр-ифтихор туйғусини бахш этув-

чи байроғимиз юксакликка кўтарилиши билан боғда байрам шодлиғаси бошланди. Тармоқ ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитасининг раиси Н. Умарова барча иштирокчиларни улуг сана билан чин қалбдан таъриқлаб, эзгу ниятларини билдирди. Боғу бўстонлар, байрамлар сайқилиб юрган одамларнинг мамнун чеҳраси, болаларнинг шўх - шодон кулгуси билан гўзал, улар билан файзли байрамнинг бадиий хаваскорлари, ёш саньаторлар ва элимизга танилиб бораётган ёқимли овоз соҳиблари томошабинларга истезъодларини намойиш этдилар. Турли халқларнинг ижро этилган дилрабо қўшиқлари ва рақслари барчага завқ-шаҳв бағишлади. Жумладан, умидли эстрада хонандаси Арсен Аметов ижросидаги турли қўшиқлар кўнглимизга манзур бўлди. Намойиш этилган интeрмeдия, ҳазил қўшиқлар, ичакузди хангомалар томошабинларга бир олам шодлик бағишлади.

**ИЖТИМОЙ**  
**ХИМЮЯ**  
**ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ**

**• СПОРТ**  
**БОҒДА ОИЛАВИЙ**  
**БЕЛЛАШУВЛАР**

Меҳнатқилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида спортнинг оммавийлашиб боришига ҳамда спорт тадбирлари янада кизикarli, мазмунли ўтишига касба уюшмалари томонидан катта аҳамият бериб келинмоқда. Юртимизнинг шарафини халқаро майдонда муносиб химоя қилаётган иқтидорли спортчилар орасида касба уюшма спeциaл вакиллари борлиги фахрланарли бўлиб, бу оммавийликдан маҳорат сари интилизнинг ёрқин мисолидир. Шу билан бирга спорт-тарбиянинг таъсирчан, яхши воситаси сифатида ҳам эътибор қозонмоқда.

Бошқа тармоқлардаги каби кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшмаси шаҳар кўмитасида ҳам меҳнатқиларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида кўплаб спорт тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб яқинда Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида спортнинг шахмат, шашка, стол теннис, стритбол турлари бўйича спартакиада ва «Отам, онам ва мен» ширини остида оилавий беллашувлар ўтказилди. Ушбу спорт тадбирлари ҳамда бўлиб 186 нафар ходим фаол иштирок этди.

Кескин, муросасиз баҳсларга, ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлиб, барчага завқ-шаҳв улашган мусобақа сўнггида оғуллаб ва совриндорлар аниқланди. Юнусобод тумани вакиллари тўртта, Миробод тумани вакиллари учта, Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек ва Чилонзор туманлари вакиллари эса иккитадан совринли ўринларни эгалладилар. «Тошкент универмаги» супермаркети савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти

Меҳнат аҳли фарзандларини соғломлаштириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга катта аҳамият бериш шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг диққат марказидадир. Ёзги мавсумда мактаб ўқувчиларининг таътил кунларини мазмунли ва мароқли ўтказишга, азиз болаларни соғломлаштириш ҳамда мириқиб дам олишига жиддий эътибор берилиб, пухта ҳозирлик кўрилди. Шу йилнинг апрель ойда шаҳар касба уюшмалари Кенгашида шаҳар Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Меҳрли савдо» давлат корхонаси билан биргаликда барча стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг бошлиқлари ва катта бухгалтерлари аттестациядан ўтказилди. Май ойининг охирида эса оромгоҳ бошлиқлари, катта етакчилари ва катта бухгалтерларининг ўқув семинари уюштирилди. Улар зарур услубий қўлланмалар билан таъминланди.



**• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ**

**ФАРЗАНДА КАМОЛИ — ВАТАН ЖАМОЛИ**

Оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида маданий-тарбиявий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини янада такомиллаштириш мақсадида оромгоҳларга шаҳар Кенгаши томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва PSL Халқаро нотижорат ташкилотининг мутахассислари, жисмоний тарбия-спорт жамиятининг ташкилотчилари юборилди. Шаҳар Кенгаши ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари оромгоҳларга ташкилий-услубий ёрдам бериш учун мутахассислар гуруҳларини юборди, тармоқ касба уюшмалари шаҳар кўмиталари касба уюшма хизматидаги корхоналар ва ташкилотларнинг оромгоҳлар фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиб, уларга ёрдам уюштирилди.

Болаларнинг шодон кулгуси, мамнун чеҳрасини кўрганда инсон ўз меҳнати самарасидан қувониб, чарқоқни унутади. Юртимиз келажаги бўлган фарзандларимизнинг беғубору ва самимий қувончи, ёқимли табассуми, гўзал ўзбекиона одоб-ахлоқи мактаб таътилининг киши ва баҳориги, айниқса ёзги кунларида барча оромгоҳларда жаранглаб турди. Ҳужалик ва касба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг ҳамжиҳатлик билан қилган меҳнати натижасида болалар учун мазмунли кечалар, кўрик-танловлар, спорт ўйинлари, эскурсиялар, саёхатлар, қўшиқ ва рақс фестиваллари ташкил этилди. Ушбу маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари меҳнат аҳли фарзандларининг маънавий савиясини юксалтиришга, соғлиқларини мустаҳкамлашга, дўстлар орттиришга ва бир сўз билан айтганда Мустақиллигимиз шарафати билан яратилган барча имкониятлардан баҳраманд бўлишга хизмат қилди.

Айниқса, «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Пахтакор-79» футбол жамоасининг хотирасига бағишланган IV халқаро анъанавий турнир ва қизлар ўртасида VIII анъанавий волейбол турнири, 11 та оромгоҳнинг ижодий гуруҳлари иштирокида Юсуфхона кўрғонидоги «Чотқол» оромгоҳида ташкил этилган «Чотқол-2003» фестивали, «Зангори олов» оромгоҳида «Интеллектуал ёшлар» ўқув маркази томонидан юборилган болалар иштирокида ташкил этилган ўқув машғулоти ва спорт мусобақалари жуда кизикarli ўтди.

Бўстонлик туманининг бешта ҳудудида жойлашган 21 та оромгоҳлар ўртасида оромгоҳлар парспартиакиада «Семурғ», «Алгоритм», «Конструктор», «Камалак» ва «Чотқол» оромгоҳлари оилавий баҳслар ҳам гоят кизикarli, ҳаяжонли тарзда ўтиб, Шайхонтоҳур туманидаги «Хур омад» масъулияти чекланган жамияти вакиллари бўлими Аюповлар оиласи зафар кучди. Голиб ва совриндорларга I, II, III даражали дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақаларда қатнашган барча болалар боғдаги аттракцион ўйинларидан бепул фойдаланиб, мириқиб дам олдилар.

Ўтказилган спорт тадбирларининг муҳим жиҳати кишиларни соғломлаштиришда, спортни оммавийлаштиришда, болаларнинг спортга муҳаббат қўйишида улкан аҳамиятга молик бўлиб, беллашувлар давомида кишилар дўстлашдилар. Зеро, спорт—тинчликка, эзгуликка хизмат қилади, деб бежиз айтишмайди.

Ушбу тадбирларда оромгоҳлар жойлашган Оқтош, Соғлиқ, Хондайлик, Янгикўрғон, Юсуфхона, Чимен қишлоқлари, кўрғонларида истиқомат қилувчи болалар ҳам фаол қатнашдилар. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакат фарзандларидан иборат жами 250 нафар болани «Чотқол» оромгоҳида дам олдирди ва бу ерда кўпгина халқаро семинарлар, кизикarli тадбирлар ва спорт мусобақалари ташкил этилди. Барча оромгоҳларда давлатимизнинг рамзла-

ри тўғрисида сўхбатлар, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги, Обод маҳалла йилига бағишланган тадбирлар ўтказилди. «Сиз тарихи биласизми?», «Тумарис авлодлари», «XXI аср ёшлари», «Эркин фикр», «Соғлом бўлай десангиз», «Чемпион билан учрашув» мавзуларида туркум учрашувлар, викториналар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Голибларга совғалар, кубоклар, дипломлар, Фахрий ёрликлар топширилди.

Соғломлаштириш кампаниясининг бориши доимий равишда телевидение, радио ва матбуотда ёритиб борилди. Оромгоҳларга инсонпарварлик ёрдами тарихида «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан дори-дармон қўтичалари ва «Экосан» халқаро жамғармаси томонидан «Полисефт» дезинфекция воситалари тарқатилди.

31 та оромгоҳда BMT ваколатхонасининг ва PSL Халқаро нотижорат ташкилотининг мутахассислари гиёвандликнинг олдини олиш мавзусида сўхбат ва мунозаралар уюштирилди. Шаҳар Кенгаши Мустақиллик байрами иштирокчиларидан 940 нафар болани «Гулбахор», «Зилола», «Трамавайчи» оромгоҳларида дам олдирди, бешта вилоятнинг 450 нафар бадиий жамоалари иштирокчилари эса «Чкалов номидаги Тошкент авиация бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти, ТошАТЭК ва «Алгоритм» акциядорлик жамиятларининг санаторий-профилакторийларига жойлаштирилди.

Мактаб таътилининг киши, баҳориги ва ёзги кунларида 59 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 42 минг нафар ўқувчи, шу жумладан бепул йўланмалар билан Оролбўйи минтақасидан 2500 нафар бола, меҳрибонлик уйлари-нинг 500 нафар тарбияланувчилари, Мустақиллик байрамининг 960 нафар иштирокчилари дам олдилар, имтиёзли йўланмалар билан касба уюшмалари болалар-ўқмирлар спорт мактабларининг 500 нафар ўқувчилари, Чернобил ҳалокати ва афғон-воқеалари қатнашчиларининг 90 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Бундан ташқари, даярли саккиз минг нафар болалар ва ўқмирлар пойтахт ҳудудида жойлашган корхоналарнинг идоравий оромгоҳларида ҳамда ўз ота-оналари билан биргаликда санаторий, дам олиш уйлари ва базаларида ҳордиқ чиқарадилар.

Демак, жами бўлиб 50 минг нафар бола ёки I-VII синф ўқувчилари сонига нисбатан олганда, уларнинг ҳар бештасидан биттаси маъмур тадбирлардан баҳраманд бўлди.

Эртанги кунимизнинг муносиб ворисларини камол топтиришдек кенг қўламли вазифани сидқидилдан амалга ошириш хайрли, масъулиятли ишдир. Фарзандларимизни баркамол бўлиб воқифа етиши йўлида қилган меҳнат шакшубҳасиз ўзининг самарасини беради.

**Фозил РЎЗИБЕКОВ,**  
**Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари.**

### Шурфа олам ДУНЁДА НИМА ЭНГ КЎП?

Билсангиз, хайрон бўласиз. Энг кўпи паррандалардир. Бу шахарда кезиб юрган каптар ҳам эмас, бошқа майда-чуйда кушлар ҳам эмас, ҳаммадан кўпи оддий товук. Ҳамма жойда—фермаларда, ҳиндилар, негрлар ва папуасларнинг қалин ўрмонларида ичидаги кўзга кўринмайдиган қишлоқларида ҳам товуклар бор. Уларни санаб санювигига етиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ер юзида қанча товук борлиги тўғрисида маълумот йўқ. Лекин олимлар товуклар сони уч миллиарддан кам эмас, деб тахмин қилишади. Сонининг кўплиги жиҳатидан чумчуқлар товуклардан кейинги иккинчи ўринда туради.

### ЎРГИМЧАККА ИПИ КУВВАТ

Табиатдаги энг ингичка ип ўргимчак ипи (тўри)нинг толаси экан. Улар одамнинг соч толасидан минг баробар ингичкароқдир. Толанинг ингичкалиги ва пишқилиги денъе деб аталадиган бирликларда ўлчанади. Ипак қурти ўраган пилла толасининг вази бир денъе, инсон соч толасининг вази 50 денъе, ўргимчак ипи толасининг вази эса айнан 0,07 денъе. Денъе узунлиги 9 километр келадиган ипнинг граммларда ўлчанадиган вази. Демак, ўргимчак ипининг ер шарини экватор бўйлаб ўраша етадиган узунлидаги толасининг вази 300 граммдан сал зиёдрок бўлади.

Ўргимчак ипи толасининг узиллигига чидамлилиги пўлатнинг чидамлилигидан икки баравар кўп, у орон, вискоза, оддий нейлон толасидан ҳам пишқироқдир, унинг пишқилиги юксак даражада чидамли махсус нейлонниқига деярли тенг. Бироқ нейлоннинг чўзилувчанлиги униқидан анча кам, бинобарин, бир хил оғирликдаги юк таъсиридан нейлон тезроқ узилади. Ўргимчак тўрининг толаси соф оксил. Ҳозир аминокислотадан шундай тола синтез қилинмоқда.

### ҚАЙСИРАНГ ЯРАШАДИ?

Ўзингизга бирор янги кўйлак тиктирмоқчи бўлсангиз, фақат унинг бичимига эмас, балки газламанинг рангига ҳам аҳамият беринг. Газламанинг ранги узокдан қарасангиз бошқача, яқиндан ўзгача кўринади. Агар газлама узокдан қараганингизда ранги хира бўлса уни сотиб олмаганингиз маъқул.

Ёрқин ранглар (феруза, ҳаворанг, кип-қизил, тўқ сариқ, бинафша ранг)дан эҳтиёт бўлинг. Бу рангдаги газламалар кўзга жуда ташланб туради. Яхисиси аралаш рангли қизғиш-помидор ранг, маржон қизил ранг, қизил-сабзи ранг ва ҳозиро рангли газламаларни танлаган маъқул.

Кўйлакнинг ранги юз, кўз, соч рангига, қадди-қоматга мос келиши лозим. Қорачадан келган аёлларга қизил ва сариқ ранглар ярашади. Бўғдой ранг аёлларга пушти ранг кўйлак ярашмайди. Оқ сариқдан келган аёлларга оч ҳаво ранг ёки пушти ранг кўйлакларни кечкурун кийсалар улар хусини янада очади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**"Севимли шахрим" акцияси доирасида  
"Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда"  
мавзусида энг яхши фотосуратлар  
кўрик-танловини эълон қилади.**

Фототанлов уч йўналиш бўйича утказилади:  
Кўна Тошкент;  
Миллий қадриятлар;  
Истиқлол нашидалари.

Фотосуратлари  
Тошкент шаҳар, 700005,  
Мавроуннаҳр кўчаси, 14  
маъмурият кўчаси.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан  
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркум)  
исар қабул қилинади, туркум ҳам  
бир асардек қўрилади.

**Энг яхши фотосуратлар  
қилнаибваҳр совғалар ва дипломлар  
билан тақдирланади.**

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ"  
радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент",  
газеталарида.

**Севимли  
ШАХРИМ**

www.tashkenthamolot.uz  
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03



Олтин япроқлар оғушидаман.

### БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИГА СОВҒА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Вали Мажидов номи мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ривожига муносиб ҳиссасини кўшган таниқли шифокор олим сифатида маълум. Унинг Тошкент педиатрия-тиббий институтидagi раҳбарлик фаолияти айниқса самарали бўлди.

Атоқли олимни илмий тадқиқотлари асосида талайгина монография, китоб ва қўлланмалар чоп этилган эди. Бу изланишларнинг аксарияти болалар касалликлари муолажасига бағишланган.

Меҳри дарё шифокор, олим бу наشرларни болалар шифохоналарига тортиқ этишни васият қилганди. Унинг бу орзуси яқинда амалга ошди.

Бу хайрли ишга Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирилик бош қўшиб, профессорнинг кўпгина китобини Тошкентдаги 1-болалар махсус интернатига совға қилиб топширди.

Бу ерга тўпланган олимнинг ҳамкасблари, шогирдлари, болалар шифокорлари устозни хотирлаб, у ҳақда илиқ гапларни айтдилар.

Анвар ВАЛИЕВ.

Европа мамлакатлари тажрибаси асосида «Физик-кимёвий изланишлар»нинг янги илмий методологиясини тузиш. Ўзбекистондаги тарихий обидаларнинг архитектура декорини ўрганиш» деган мавзуда лойиҳа тайёрланди.

### КАФЕДРАЛАРАРО БИТИМ

Германиядаги Мюнхен техника университети билан Тошкент архитектура-қурилиш институти олимлари ҳамкорлигида юзага келган ушбу лойиҳани амалга оширишга киришилди.

Бунда ҳар иккала олий ўқув юртиларидаги «Аналитик ва ноорганик кимё» ва «Қурилиш материаллари ва гидравлика» кафедралари ўртасида тузилган шартнома қўл келди.

2005-йилга қадар давом этадиган маъзур лойиҳа доирасида яна қатор илмий изланишлар олиб борилади.

Ақбар АЛИЕВ.

### ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Муаллим илму урфон дунёсининг нажоткор қальаси. Ҳаёт бўстониинг нурли ёлқани. Ўзликни билиш, дунёни англаш, Она, Ватан, Нон каби муқаддас сўзларни ёзишга, маъносини чақишга ўргатган буюк зотдир.



### ЖАЖЖИ ЮРАКЛАРДА МЕҲР УЙҒОТИБ

Бугунги мўъжазгина мақолаимиз қаҳрамони ҳам ана шундай қутлуғ ва улуг касб эгаси. Мавлуда опа Бадалбоева, мана 20 йилдики шахримиздаги 123-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Ёшлигимдан шу касбга ихлос қўйганман, — дейди Мавлуда опа. — Доимо улғайсам ўқитувчи бўламан дердим. Шу орзу ва қатъият мени институт остонасига етаклади. Ниятим йўлдошим, касбим фахримга айланган неча йилдики бегубор болаларга сабоқ бериб келяпман. Тўғри, биринчи синф ўқувчилари билан ишлаш анча мураккаб ва ўзига яраша қийинчилиги бор, аммо улар ҳарфларни мунчоқдек териб ёза бошлаганларидан, болалар кўзидagi қувончнинг кўриб бор чарчоғим таркаб кетади, дилим равшанлашади. Менинг қувончим шу болалар билан. Илоҳим улар доимо омон ва соғ бўлишин.

Дарҳақиқат, оламнинг гўзаллиги болалар, уларнинг шўх-шодон кулгуси ила чароғон ва маънолидир.

Мавлуда опа нафақат бошланғич, балки юқори синф ўқувчиларига ҳам рус тили фанидан сабоқ беради.

123-мактаб директори Захро опа Қорабоева ҳам Мавлуда опа ҳақида илиқ фикр-

ларини билдирди. — Мавлуда шу мактабнинг оқила, доно, камтарин ўқитувчиси. Билим даргоҳида таълим бераётган ҳар бир муаллим мен учун азиз, чунки бизнинг касбимиз азалдан машаққатли ва улуг саналган. Мавлуда Бадалбоева эса мунтазам ўз устиди ишлаб, изланиб, интилиб келяпти. Шунинг учун ҳам мактаб жамоаси унга ишонч билдириб ўқув ишлари мудираси қилиб сайлаган.

Мавлуда опа бизнинг ўзлари ҳақларида мақола ёзмоқчи эканлигимизни эшитгач, «Мени эмас, ёшларни ёзинг, ахир мен оддийгина бир ўқитувчи бўлсам, ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак», дея камтарлик қилдилар...

— Мавлуда опа айтингчи, жажжигина юраклардаги бир олаим меҳрини кўриб ҳам, сиз ҳақингизда ёзмаслик мумкинми?..

Қутлуғ даргоҳдан қайтар эканмиз сермазмун умрингиз янада файзли бўлсин, болаларингиз, невараларингиз, асосини қалби ифтихор туйғуси билан тўлган ўқувчиларингиз бахтига омон бўлинг. Камтарлигингиз сизни энг юқори чўққиларга чорлайверсин, устоз дегимиз келди.

Гулҳебра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: Мавлуда Бадалбоева  
ўқувчилари билан.

### БЕҲЗОД ХАЙКАЛИ ЧАНЧУН ХИЁБОНИДА

Равшан Миртожиевнинг Камолитдин Беҳзод хайкали ҳалққаро Чанчун хайкалтарошлик конференцияси ташкилий кўмитаси томонидан юксак баҳоланди. Нуфузли танловда ҳамюртимиз муносиб ғалабани қўлга киритди. Иқтидорли хайкалтарош ўрта асрнинг атоқли миниатюрчиси образини ўзига хос услубда тасвирлаган. У яратган 2 метрли бронза хайкал яқин орада музей ва ёдгорликлари билан машҳур Чанчун шаҳрининг марказий хиёбонини беэади.

Икки халқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ришталари узок тарихга эга. Ти қорат аҳли бир неча асрлар муқадда. И Буюк Ипак йўли бўйлаб Хитойдан Самарқанд ва Бухорога нафис чинилар ва бошқа нобб молларни олиб келиб, қайтишда халқ устозларининг кимҳоб ва зардўзлик либослари, шунингдек хунармандчиликнинг нодир намуналарини, таърифи етти иқлимга машҳур қандолатчилик маҳсулотлари билан бирга «Самовий тулпорлар» номи билан аталувчи зотдор отларни олиб кетишган.

Яна бир эътиборга молик воқеа. Хитой тарихчилари қадимий китоб (фолиант)ни топиб оладилар. Китобда солномачи VII асрда Фарғона ҳукмодори яхши ният рамзи сифатида императорга ўз шиша пуфловчиларини юборганлиги ҳақида батафсил хабар қилинади.

Император ва сарой аҳли ажойиб идиш ва безаклар ясаган ватандошларимизнинг маҳоратига қойил қолишган. Қарангки, жаҳонга кўплаб ихтироларни тақдим этган буюк империя Ал-Фарғоний юртидан шиша тайёрлаш сирларини ўрганган. Худди шу манабада яна фарғоналик элчилар бодринг ва беда уруғини, узум навалдарини Хитойга олиб келгани алоҳида таъкидланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқалари янгича қатъи қасб этди. Иқтисод, савдо, илм-фан, санъат, тиббий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик бунинг ёрқин исботидир. Буни қарангки, маънавийтимиз фахри бўлган Беҳзод хайкали энди хитойликларни ҳам ҳушнуд этадиган бўлди. Бунда республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Равшан Миртожиевнинг хизмати катта. Хайкалтарошнинг санъат асарлари бугун нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам алоҳида ҳурмат билан эътироф этилмоқда. Унинг «Човган уйнаётган Бобур» деб аталувчи композицияси Швейцариянинг Лозанна шаҳри марказида, Алишер Навоий хайкали эса Москвадаги Добринский майдонда ўрнатилган.

Ҳақиқий санъат замонларни, халқларни бирлаштиради, деб бежиз айтмайди. Бу ҳақиқат бугун Равшан Миртожиев ижоди мисолида яна бир қарра исботини топди.

Рустам ШАҒАЕВ,  
ЎзА мухбири

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎРГАНИШ ДОМО БУЛАД...

- Ривоятлардан маълум бўлишича, хинд ҳақимларининг умри узок, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емокдандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз такрорламас эди.
- Сиз ўз соғлигингизни тонг ва баҳордан оладиган ҳузур-ҳаловатингизга қараб баҳоланг.
- Вақтининг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ.
- Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас.

Бир донишманд шундай дейди: Инсон узок умр кўриши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийқисизлигимиз, пала-партишлигимиз, ўз организмимизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу мuddатни кўп йилларга қисқартариб юборамиз.

• Шарқ элининг донишманди, ахлоқ илмининг отаси донишманди Лўқмони ҳақим айтди:

Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрадим. Барча лаззатни тоғиб кўрдим, аммо саломатликдан чуқурроқ лаззатни топмадим. Энг ширин лаззат соғ-саломатлик эканини англадим.

• Одамлар узок яшашни хошлашади-ю, аммо уни эҳтиёт қилишмайди.

• Умр бизга уни сўнгги дақиқаларга қадар мардона ҳимоя қилиш шарти билан берилган.

• Саломатликни сақлаш ҳамда турли касалликнинг олдини олишда бадантарбия ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

• Олимлардан Муҳаммад Расул Расулий айтди:

— Қуз кунларидан бир кун 80 ёшга кирган бир чол ёғочдан ясалган уйда ўтирганди. Ниҳоятда қаранглигидан унинг соч-соқоли жуда оқарган бўлса ҳам, юзи тўла, бели ва кўли қувватли, ҳамма аъзолари саломат эди. У чолнинг рўпарасида унинг неварара ва эваралари ўйнашиб юрганди.

Шу вақтда бир йигит келдида, чолга салом бериб, унинг ҳол-аҳолини сўради. Чол билан бироз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайратли эканининг сабабини сўради.

Чол у йигитга:

— Ота-онам ёшлигимдан бошлаб кун чикунча ўрнимда ялқовликиб ётишга ружаст бермади. Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туриб бир иш билан машғул бўлдим. Иш ва меҳнатдан сира ҳам эринмадим. Илгга иҳлос билан берилиб, уни ўлда-жўлда қолдирмасдан тўла-тўқис битиришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Иш ва меҳнат бутун аъзоимни қувватли қилди. Менга узок умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни ҳам иш— меҳнатга ўргатиб тураман. Агар сен ҳам мендек кўп яшашни, қувватли ва соғ-саломат бўлиб умр кечиришни истасанг, иш— меҳнатдан асло тортинма. Ҳар вақт иҳлос билан берилиб меҳнат қил, ялқовликдан йироқ бўл, деб жавоб берди.

• Ҳаракат саломатликни мустаҳкамлайди. Буни куйидаги мисол ҳам исботлаб турибди. Бундан 2500 йил илгари Эллада харсангтошларидан бирига шундай деб ёзилган экан: "Кучли бўламан десанг — чоп, гўзал бўламан десанг — чоп, ақли бўламан десанг ҳам — шундай чоп. Биз бу ҳикматга бироз қўшимча қилиб: "Агар болам соғлом бўлсин десанг — чоп, лекин шунчалик номигагина чопма. Чопганинда, аъзои баданингни ҳаракатга келтириб, уни чикитириш учунгина чопмоғинг лозим, десак янада тўғрироқ бўлади.

Тошкент шаҳар ҳоқимияти

«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, уқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиянгуз ақолиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдворлар ва бошқа узига хос ландшафт ечимлари яратишга қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташкилотчиларга 1 октябрдан тақдим этишлари зарур.

Ўзбекистон фотосуратчи ва видеотасмачи кўруғули ҳайъати аъзолари томонидан ўргатиб чиқилади ва раёблар аниқланади.

Маълумотлар ТTV телеканал, «Пойтахт-информ», «Тошкент оқишони», «Тошкент шаҳри», «Вечерний Тошкент» газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz

Навбат Тошкент шаҳар, 790055, Маъорухнахр кўчаси, 14

Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

«Севимли шахрим» акцияси доирасида «Тошкент-гуллар шахри» кўрик-танлови ўтказилади.

Севимли ШАХРИМ

**КЎЧМА КЎРГАЗМА**

Ўзбекистон Рассомлар Уюшмасининг Фахрийлар кенгаши йўли билан амалга оширилаётган маданий тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. «Темирйўлчилар — расмларда» деб номланган кўчма кўргазмани очиди ҳам бу кенгаш ташаббус қўрсатди.

Бу янги экспозиция билан Тошкент темир йўлининг «Локомотив» меҳмонхонасида танишиш мумкин. Унда намойиш қилинаётган экспонатлар орасида темир йўл қурилиш тарихига, поезд машинистлари фаолиятига оид картиналар ҳам бор. «Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида», «Созловчи», «Локомотив» каби расмлар ҳам маҳорат билан чизилган.

Фахрийлар кенгаши раиси, изланувчан рассом Рафаэл Матевосян ўзи яратган бир неча картинасини кўчма кўргазмага доимий кўрсатиш учун эсдалик қилиб топширди.

**Аҳмад АББОСОВ**

Ҳиндистоннинг Дехли, Ченнай ва Бангалор каби йirik шаҳарларида «МДХ мамлакатлари билан бизнес» мавзуга бағишланган семинар-давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Ҳиндистон экспорт ташкилотлари Федерацияси (FIEO) томонидан ўтказилган мазкур учрашувларда Ўзбекистон тақдимоти катта эътибор ва алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди.

**ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ**

FIEO Ҳиндистондаги йirik иқтисодий ташкилотлардан бири бўлиб, экспорт фаолияти билан шуғулланадиган жуда кўп йirik фирма ва компанияларни ўз атрофида бирлаштирган. FIEO президенти Рафиқ Аҳмад Ченнай шаҳрида ўтган биринчи учрашуви очар экан, тадбирлар Ҳиндистон ҳукуматининг МДХ давлатлари билан узок мuddатли ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишга, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилганини қайд этди. У Ҳиндистоннинг Марказий Осиё мамлакатла-

ри билан савдо-иқтисодий алоқаларининг бугунги ҳолатига атрофлича тавсиф бериб, МДХ давлатлари орасида биринчи навбатда Марказий Осиёга эътибор қаратилаётганини таъкидлади. «Марказий Осиё минтақасида хинд ишбилармонлари фойдаланиши мумкин бўлган улкан имкониятлар мавжуд», - деди Рафиқ Аҳмад.

— Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳаётида рўй берган ўзгаришларни диққат билан кузатиб борамиз, — деди Ҳиндистон Экспорт ташкилотлари Федерацияси Бош директори Г.Балачандран. — Бутун дунё миқёсида кузатилаётгани сингари хинд жамоатчилигининг ҳам Ўзбекистонга қизиқиши янада ортиб

бормоқда. Бунинг сабаби эса ўзбек заминининг бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий, интеллектуал ва бошқа зарурий салоҳиятларга эгаллиги, юртингиз эртанги кунга ишон билан қарашидир. Мамлакатингиз ўзига хос ва ўзига мос оқилона ташқи сибаст олиб бораётгани учун ҳам қисқа вақт ичида дунё ҳамжамиятида ўзининг мустақкам ўрнини эгаллади.

Тадбирларда элчионалар вакиллари, WiproTechnologies, TATA BP Solar Ltd, Bharat Earth Movers Ltd, Hical Magnetics Pvt. Ltd сингари йirik фирма ва компаниялар иштирок этишди.

**Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА, Дехли.**

Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар божхона бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори ижроси ва Тошкент шаҳри ички истеъмол бозорига ноқонуний ва контрабанда йўли билан товарлар олиб келинишининг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг шахсий таркиби, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси, Прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармалари масъул ходимлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи Т.Раҳмонов йиғилишда сўзга чиқиб, ноқонуний сақланаётган ва сотилаётган товарларни аниқлаш мақсадида туман ички ишлар бўлиmlарининг тегишли хизматлари ва жамоатчилик имкониятидан фойдаланиб, пойтахтнинг йirik бозорларида қўшма рейдлар ўтказилаётгани, бунинг натижасида бозор ва савдо расталаридан 13 та ҳолатда 70 миллион 800 минг сўмлик ва хонадонлардан 6 ҳолатда 17 миллион 651 минг сўмлик товар моддий бойликлари аниқланиб, қонуний расмийлаштирилгани, бундан ташқари аниқланган 10 та сохта «омбор» лардан 5 тасининг фаолияти тугатилгани, қолганларининг фаолияти тезкор ишлов остида эканлиги тўғрисида ахборот берди.

Бундан ташқари, йиғилиш иштирокчиларига пойтахт божхоначилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 154-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда ички истеъмол бозорига ноқонуний ва контрабанда йўли билан товарлар олиб келинишининг олдини олишга қаратилган ишлари тўғрисида батафсил маълумот бери ҳамда катнашчиларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори бўйича жорий йилнинг ўтган 8 ойида бошқарма томонидан муҳим ишлар амалга оширилган. Шу жумладан:

- пойтахт божхоначилари томонидан 124 божхона қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан жами 82 миллион 400 минг сўмлик товар-моддий бойликлар қонун-

ярли 8 миллион сўмлик 581 литр маркаламанган алкоғолли ичимликлар мусодара қилинди;

- 110 килограмм 400 грамм «порох», 30 балонда «фрион» моддаси, 270 та «Оксазепам» психотроп таблеткалари, 5 килограмму 467 грамм героин ва бошқа гиванд моддалари ушлаб қолинганлигини айтиб ўтиш зарур.

**• БОЖХОНА**

**ҲАМКОРЛИК — ЮРТ РАВНАҚИ ОМИДИ**

Бугунги кун назари билан қарайдиган бўлсак, ҳар бир тизим, ҳоҳ у ишлаб чиқариш корхонаси, ҳоҳ таълим тизими ёки табибиёт соҳаси бўлсин, барча-барчасининг фаолиятида учрайдиган камчилик ёки ечилиши қийин бўлган муаммоларга барҳам берилишида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бирдамликнинг аҳамияти катта эканлигига амин бўламиз. Шундагина уйлаган мақсад ва юксак муваффақиятларга эришиш, фаровон ҳаёт кечириш мумкин.

бузарлиқ ашёси сифатида тўхташиб қолинди;

- божхона назоратини четлаб контрабанда йўли билан моддий-товар бойликларни пойтахт ҳудудига ўтказишга уриниш ҳолатлари бўйича қонунбузарларга нисбатан 23 та жиноий иш кўзгатилиб, тўхташиб қолинган, товар моддий бойликлар миқдори 33 миллион 500 минг сўмни ташкил қилди;
- 101 та иш материаллари маъмурий тартибда ҳал этилиб, 48 миллион 900 минг сўмлик товар моддий бойликлар тўхтайтилиб қолинди;
- маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва улар юзгага келтирилган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида юридик шахсларнинг ходимларига нисбатан 27 та ва жисмоний шахсларга нисбатан маҳалла қўмиталарига 4 та тақдимномалар киритилди;
- бошқарма қорралари асосида 1 миллион 700 минг сўмлик товар моддий бойликлар эгаларининг ҳаракатларида қонунбузарлик аломатлари йўқлиги сабабли қайтариб берилди;
- маркаламанган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлари олиб килиришининг олдини олиш бўйича акциз маркази йўқ 5 миллион 960 минг сўмлик 18530 пачка тамаки маҳсулотлари, де-

сизлик хизмати, Ички ишлар бошқармалари, прокуратура ва суд идоралари, маҳалла оқсоқоллари ва тадбиркорлар иштирокида йиғилишлар ташкиллаштирилиб аҳолига сифати паст, ўғринча йўлдан билан кириб келаётган товарларнинг халқнинг турмуш тарзига нечоғлиқ зиён ва зарар эканлиги ҳақида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилган.

Йиғилишда иштирок этган бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳам сўзга чиқиб, қандай қилиб аҳолини мамлакатимиз ҳудудига контрабанда, айналма йўллардан кириб келаётган товар-моддий бойликлардан сақлаш ва бу долзарб масала юзасидан, йиғилишда иштирок этганлар яна нима ишларни амалга оширишлари зарур эканлиги ҳақида фикр алмашишди. Йиғилиш якунида эса, божхона органлари билан биргалиқда келгусида, ҳозирги кун талаблари асосида ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар ва истиқболли режалар муҳожама этилиб, қайтадан ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

**Ақбар худойқулов, Давлат божхона қўмитаси Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими мутахассиси**

**ЖУМА?  
КАЧОН?  
КАЕРДА?**

29 сентябрь — 5 октябрь

\* Бугун Алишер Навоий номидаги Санъат саройида янги «Тадбир» бадий фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 ва 21 да намойиш этилади.

\* Бугун Халқлар Дўстлиги саройида «Хандалак» ижодкорлари иштирокида «Ургутлик афандилар» бадий фильми соат 19.00 да намойиш қилинади.

\* Бугун Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрида Х.Хурсанов асари «Хотиннинг уч шайдоси» («Топталган туйғу») спектакли соат 18.00 да бошланади.

\* Аброс Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Аёллар салтанати» спектакли соат 15.00 да кўрсатилади.

30 сентябрда:

\* Ўзбек Миллий академик драма театрида «Етти фарёд» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

\* Республика Киночилар уйида «Матрица-2» жангари бадий фильми соат 12.30 ва 21.30 да; соат 15.00 да эса «Такси-3» саргузашт комедия (Америка) намойиш этилади.

\* Йўлдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Турна патлари» спектакли соат 14.00 да бошланади.

1 октябрда:

\* Ўзбек Миллий академик драма театрида Укутувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан соат 14.00 ва 18.00 да байрам концерти бўлиб ўтади.

2 октябрда:

\* Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрида Х.Даврон асари «Бобур соғинчи» спектакли соат 18.00 да бошланади.

\* Ўзбекистон академик рус драма театрида «Мандрагора» спектакли соат 18.30 да кўрсатилади.

\* Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида В.Моцартнинг «Фигароннинг тўйи» операси соат 18.00 да намойиш қилинади.

3 октябрда:

\* «Наврўз» концерт мажмуасида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган таниқли санъаткорлар ижросида катта концерт соат 19.00 да бошланади.

\* Ўзбек Давлат циркида кузги камалак дастурида чавандоз йигитлар, ўзига хос жанрдаги артистлар, ўргатилган кабуларлар, хаво гимнастлари, туюлар устида акробатлар ва бошқа томошалар жума кунлари соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да намойиш қилинади.

\* Йўлдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Оловдуннинг сеҳри чироғи» спектакли соат 11.00 да бошланади.

4 октябрда:

\* Ўзбек Миллий академик драма театрида С.Имомов асари «Эргинамнинг орзуси» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

\* Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида М.Ашрафийнинг «Дилором» операси соат 18.00 да бошланади.

5 октябрда:

\* Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрида С.Имомов асари «Супержайнона-2» спектакли соат 18.00 да кўрсатилади.

\* Республика кўғирчоқ театрида «Малика ва темирчи ҳақида эртак» спектакли соат 11.00 ва 13.00 да бошланади.



Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида таниқли шоир ва драматург Хайдар Мухаммад ҳаёти ва ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

**ТАДБИРЛАР**

**ИЖОДКОР БИЛАН  
УЧРАШУВ**

Маълумки, Хайдар Мухаммад 50 йилдан буён шеърининг кўпгина жанрларида ижод этиб келмоқда. Аҳамиятга молик томони, унинг 200 га яқин шеърларига муסיқалар басталанган. 30 дан ортик драматик асари мавжуд. Жумладан, «Сеҳрли танбур», «Тошкентнинг нозанин маликаси» каби сахна асарлари мухлислар ва мутахассис-

лар томонидан илик кутиб олинган. Драматургнинг 10 дан зиёд китоблари чоп этилган. Улар орасида «Кўнглим менинг», «Ипак гилалар», «Хотинимнинг уруғидан ўрғилай» кибилари китобхонларга яхши таниш. «Ўзбектелефильм» томонидан суратга олинган «Темир эркак» бадий фильми сценарийи ҳам шоир-драма-



тург Х.Мухаммад қаламига мансубдир.

Ижодий учрашувда таниқли хонандалар, театр ва кино артистлари, адабиётшунослар иштирок этди.

— Иктидорли драматург Хайдар Мухаммад Муқимий театри учун ҳам кўплаб пьесалар ёзди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Мариям Ихтиёрова. — Жумладан, «Тошкентнинг нозанин маликаси» пьесаси айниқса диққатга сазовордир.

— Инсоннинг ижодида унинг характери яққол намоён бўлади. Бу ҳолни Хайдар Мухаммад ижодида ҳам кўриш мумкин, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби Абдуқаҳхор Иброҳимов. — Хайдар ака жуда камтарин инсон, меҳрибон дўст, машҳур

шоир, истеъдодли драматургдир. У меҳнатсевар халқи, овоз ва обод юрти ҳақида қалам тебратди. Шунинг учун ҳам Хайдар Мухаммад эл назарига тушган, халқи эъзоз қиладиган шоир, ўз услубига эга драматургдир.

Қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоблар тарзида бўлиб ўтган ижодий кеча давомида Хайдар Мухаммад қаламига мансуб сахна асарларидан парчалар ҳам намойиш этилди.

**ЮЛДУЗ УСМОН.  
СУРАТЛАРДА: БОҒДА  
ЎТГАН ИЖОДИЙ КЕЧАДА  
ЛАВЖАЛАР.  
Шавкат Қаҳхоролган суратлар.**

**ШАХМАТ  
ОЛАМИДА**

**БОСИҚЛИК —  
ЯХШИ ЖАВОБ**

Америкалик гроссмейстер Решеvский Смилов билан ўйнаган бир партиясиди цейтнотга тушиб қолади. Бу пайтда у асабийлашган ҳолда тез юриш қилиб гўёки рақибини зудлик билан жавоб қилишга ундаётгандек туюлади.

Смилов керакли юришни қўриб турса-да, ҳеч шовилмасди. Решеvскийнинг юришини ёзиб, хотиржам ҳолда тахтага бир назар соларди-да, сўнг шовилмай жавоб юриши қиларди ва Решеvскийнинг кўли донага интилаётганида парво қилмай, хонани бир айлиниб чиқарди. Решеvский яна тез юриш қилади. Смилов қаддини ҳам тезлатмай астагини жойига келиб, рақиб юришини ёзади-ю, яна ўша ода-тича иш кўради. Бир неча шундай томошадан сўнг Решеvскийнинг «руҳий ҳужуми» (номери) рўёбга чиқмагач ҳаммаси шахмат мухлисларига аён бўлди. Уйинда Смилов босиқлик ва хотир-жамлик билан голиб чиқди.

**КЎЗЙОНАК  
«ХАЛАЛ» БЕРИБДИ**

1959 йили жаҳон чемпиони учун даъвогарлар муСОБАқасида америкалик гроссмейстер Бенко Таль билан куч синашиб икки бор мағлуб бўлди.

Таль билан бўладиган учинчи ўйин олдида у кутилмаганда ҳакамларга арз қила бошлади:



— Мен Таль билан ҳеч ўйнолмапман.

— Нимага энди, — деб сўрашади ҳакамлар.

— У мени гипноз қилляпти!

Учинчи учрашувга Бенко қора кўзйонакда келди. Буни кўрган Таль имконини тенглаштириш учун ўзига ҳам кўзйонак талаб қилди. Улар ўйин охиригача кўзйонак тақиб ўйнашди. Уйиннинг бешинчи соатида Талнинг ажойиб мўъжизакор юришини англамай қолган Бенко таслим бўлди. Уйин тугагач: — Қора кўзйонакда яхши кўролмаган эдим, — деб ўзини яна бир бор оқламоқчи бўлди Бенко ҳакамларга қараб.

**Анвар ИНОҚОВ,  
шахмат шарҳловчиси.**



**МАҲОРАТИНГИЗНИ  
СИНАБ КЎРИНГ**

- 1) Оқлар бошлаб икки юришда қора шохни мот қилади.
- 2) Оқлар бошлаб ўн биринчи ўн иккинчи юришга келганда қоралар таслим бўлади. Ўзига яраша мураккаб этюдлардан.

Тошкент шахридаги иккита ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беврчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

**«Тошкент оқшоми»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.  
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.  
Факс: (3712) 133-29-09.  
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шахри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
ялпозлар — 133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.  
4204 нусхада босилди. Қўғоқ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Наشريёт киёби бериш масаллари бунча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почташўба» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.